



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI HUZURIDAGI
ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI

CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi. 3-uy. Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
ishonch tel: 1159, www.consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz e-xat: consumer@xat.uz

002417

“ 08 ” 06 20 20 y. № 02-06/1293

**Оммавий ахборот воситалари,
ташқи реклама объектлари
(конструкциялари эгалари),
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги истеъмолчиларни нотўғри ва ишончсиз рекламалардан ҳимоя қилиш мақсадида қуйидагиларни маълум қилади.

Агентлик томонидан ўтказилган ўрганишларда бир қатор телерадиоканалларда рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузилишига йўл қўйилганлиги кузатилди.

Хусусан, “Straus House” МЧЖ, “Avto 60 Oy” МЧЖ, “Toshkent Avto Agent” МЧЖ, “Avto Ideal Xizmat” МЧЖ, “Umid Avtolizing” МЧЖлар томонидан республикада ишлаб чиқарилган автомашиналарни кредит ва лизинг шартномалари асосида олиб бериш тўғрисида рекламалар жойлаштирилган.

Бирок, ушбу корхоналар томонидан бевосита турли реклама усулларида ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда фуқароларни алдаш, ишончини суиистеъмол қилиш орқали йирик миқдордаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тергов ҳаракатлари давомида аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан, қонунийлик, аниқлик, ишонччилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, юқоридаги қонун билан мажбурий сертификатлаштирилиши зарур бўлган ёки ишлаб чиқарилиши ёхуд реализация қилиниши учун махсус рухсатнома (лицензия) бўлиши талаб этиладиган маҳсулотни тегишли сертификати, лицензияси бўлмай туриб реклама қилиш тақиқланиши кўрсатиб ўтилган.

Ноаниқлиги, икки хил маънони аниқлаштириш, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида, рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талабларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бузиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган, шахсларга, шунингдек давлатга зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (13-модда).

Юқоридагиларга асосан Сиздан, реклама жойлаштиришда, уларни давлат ва жамоат манфаатларига зарар етказмаслигига алоҳида эътибор қаратишингиз ва қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилишингиз сўралади.

Директор ўринбосари

А.Курбонов